

**“Гидропроект” АЖнинг акциядорларнинг навбатдаги
йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши бўйича
Хабарнома**

“Гидропроект” АЖ кузатув кенгашининг 2023 йил 31 майдаги мажлис қарорига асосан 2023 йил 26 июнь куни соат 11:00 да жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши режалаштирилган.

Кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини ўтказиш регламентини ва саноқ комиссиясини шахсий таркибини тасдиқлаш.

2. Жамият ижроия органининг Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича молиявий - хўжалик фаолияти ва бизнес - режа кўрсаткичлари бажарилиши бўйича ҳисоботини кўриб чиқиш.

3. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича (йиллик) ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Жамиятда 2022 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ҳулосасини кўриб чиқиш.

5. Жамият кузатув кенгашининг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитиш.

6. Жамиятнинг 2022 йил молиявий - хўжалик фаолияти якунлари бўйича ташқи аудиторлик текшируви ҳулосасини эшитиш.

7. Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича соф фойда тақсимоти, дивидендларни тўлаш шакли, миқдори ва тартибини тасдиқлаш.

8. Жамият бош директорини сайлаш.

9. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.

10. Жамиятнинг 2023 йил учун бизнес - режасини тасдиқлаш.

11. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича ҳисобланган ҳамда эгаси ёки эгасининг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри томонидан уч йил ичида талаб қилиб олинмаган дивидендларни жамият ихтиёрида қолдириш.

12. Аффилланган шахслар билан келгусида Жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш.

13. Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави ва ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш.

14. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

Жамият акциядорларининг реестри шакллантириладиган сана – навбатдаги умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабардор қилиш учун акциядорлар реестри 2023 йил 2 июнь ҳолатига ва акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2023 йил 20 июнь ҳолатига шакллантирилади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат - паспорт, акциядорларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган (юримдик шахслар учун - мазкур юримдик шахс томонидан берилган) ишончнома билан келишлари шарт.

Йиғилиш Ташкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси 20 уйда жойлашган Жамиятнинг маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 10.00 да бошланади.